

Ўзбекистон Республикаси Fanlar akademiyasi  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси



# ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

---

# ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЮТИ

1 / 2021





O'ZBEK TILI, ADABIYOTI  
VA FOLKLORI INSTITUTI  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ  
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

# uzbek tili va adabiyoti

## ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда  
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

1  
2021

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Ўзбек тили, адабиёти  
ва фольклори институти

Тошкент - 2021

*Бош муҳаррир:*

Низомиддин МАҲМУДОВ

*Таҳрир ҳайъати:*

Раҳматулла БАРАКАЕВ

Маматкул ЖЎРАЕВ

*(бош муҳаррир ўринбосари)*

Наим КАРИМОВ

Баҳодир КАРИМОВ

Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА

Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ

*(бош муҳаррир ўринбосари)*

Бахтиёр НАЗАРОВ

*(бош муҳаррир ўринбосари)*

Ёркинжон ОДИЛОВ

Эргаш ОЧИЛОВ

*(масъул котиб)*

Шомирза ТУРДИМОВ

Боқижон ТЎХЛИЕВ

Алмаз УЛВИЙ

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

Бердак ЮСУФ

Курдош ҚАҲРАМОНОВ

Улуғбек ҲАМДАМОВ

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ



## МУНДАРИЖА

### Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги

И.Ҳаққул. Маънавий валодат ва ўзлик камоли.....	3
Б.Тўхлиев. Поэтик кашфиёт мантиғи.....	7
М.Асадов. Ошиқлик тарихи ва лирик қаҳрамон характери.....	12
Қ.Эргашев. "Муҳокамат ул-луғатайн" ва "Мезон ул-авзон" асарларида илмий услубга хос хусусиятлар.....	16
С.Рафиддинов. Навоий ва ботин илми.....	21
Б.Файзуллоев. Огаҳийнинг Навоий ғазалларига татаббулари.....	27
Э.Очилов. Рожий ижодида Навоий анъаналари.....	32
Б.Ражабова. Навоий қарам фазилати ҳақида.....	37
З.Содиқов. Ғайбулла Саломов Навоий асарларининг табдил ва таржималари хусусида.....	41
Г.Саидғаниева. Навоий асарларининг янги таржималари.....	46
Ж.Маҳмудов. "Насойим ул-муҳаббат"да Паҳлавон Маҳмуд зикри.....	48
А.Эшонбобоев. Алишер Навоий ижоди ва тарихий-функционал метод.....	51
Д.Қазакбаева. Алишер Навоийнинг риндона таржеъбанди.....	55
М.Худоёрова. Навоий қитъалари сарлавҳаларига доир.....	59
Г.Намозова. "Навоий" романининг хитойча таржимасида миллий ўзига хослик талқини.....	61

### Низомиддин Маҳмудов – 70 ёшда

А.Мадвалиев. Низомиддин Маҳмудов – лексикограф.....	66
Д.Лутфуллаева, Д.Худойберганова. Низомиддин Маҳмудовнинг ўзбек тили синтаксиси такомиллидаги хизматлари.....	71
Ё.Одилов. Низомиддин Маҳмудовнинг лексика ва семасиологияга доир қарашлари.....	75

### Илмий ахборот

Ш.Ҳасанова. Хиромийнинг бадиий маҳоратига доир.....	79
И.Маннопов. "Ҳикмат" атамаси Яссавий ва издошлари талқинида.....	82
Н.Тўхтаева. Болалар ва катталар оламининг бадиий муштарақлиги.....	86
Н.Алисултонова. Чингиз Айтматов қиссаларида этнографик фольклоризмлар.....	89
Р.Умурзаков. "Шум бола" қиссасида бола эътиқоди масаласи.....	95
З.Урунова. Дефектологияга оид прототерминлар.....	99
Д.Ниязова. Бадиий асар шахс лисоний қобилиятининг маҳсули сифатида.....	103
Н.Аҳмедова. Нутқий воқеланиш ва образ.....	106
З.Уроқова. Ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган маскан отлари ҳақида.....	111
Д.Насриева. "Девону луғотит-турк" – илк лингвоареологик манба.....	113

### Танқид. Такриз. Библиография

М.Эрназарова, Ж.Элтазаров, Х.Жабборов. Ўзбек тили лексик синонимлари тадқиқи.....	118
С.Ўтанова. Соқийнома тарихи ва поэтикаси тадқиқи.....	120

### Фанимиз заҳматкашлари

Ҳ.Ҳомидий. Матнлар қаърига нигоҳ.....	123
Н.Улуқов. Ибратли умр соҳиби.....	125

### Илмий ҳаёт

Неъмат Маҳкамов.....	128
----------------------	-----



“Тамса эди”<sup>10</sup>. Умуман, мумтоз адабиётимизда Ҳотам<sup>11</sup> ҳақида тасвирлар, шарҳлар талайгина. Бу ҳақда биз юқорида ҳам қисман тўхталдик. Бироқ Алишер Навоий томонидан “карим ул-ахлоқ” дея юксак баҳолаган Абулқосим Бобурнинг Ҳотамнинг карамига билдирган муносабатида тафаккурининг манлиги, ажойиб якуний хулосаси ўз инъикосини топган. Ишончли манбаларда ҳам Абулқосим Бобур ўта карамли, сахий ҳукмдор, ҳиммат ва муруввати билан гўё афсонавий Ҳотами Тойи ва Бармакларда устун манлиги хусусида гаплар кўп. Ишончли манбалардан маълумки, муносоронлиги даврида Навоий ҳам унинг карамидан баҳра олган, наф бўлган.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, Навоий “Тамса”да Султон Абусаид Мирзонинг маълум муддат ҳарбий кўшинига мансубатан карам қилмай, аксинча қилган хасислигини танқид ҳам қилган ва айтади хасислиги сабаб топган ўлими хусусида ёзган.

Умуман, Шарқ адабиётининг мумтоз шоир ва адиблари ҳам Навоийга эргашиб ўзларининг назмий ва насрий асарларида карам фазилати, тушунчаси ҳақида фасоҳат билан ниҳоятда ибратли талқинлар қилган.

Хулоса шуки, улуғ Навоийнинг карам ҳақидаги боқий фикрлари, муносорончи ғоялари ёки муҳим эслатмалари, биринчидан, Куръон, ҳадис шарифати ва мазмунига асосланган, иккинчидан, доно халқимизнинг “Тар майизни қирқ киши бўлиб еган” мақолининг халқона талқини билан шарҳланган, учинчидан эса бу “келимли-кетимли” дунёда инсонларни карам карамли, саховатли, мурувватли, бағрикенг, дастгир бўлишга шарҳланганини ва закот чиқаришга қурби етган бой кишиларни эса закот, қарни шукрона билан беришга ундаганини англаш мумкин.

**РЕЗЮМЕ.** Мақола Алишер Навоийнинг назмий ва насрий асарларида ўзининг таъриф, тасвир ва талқинини топган карам фазилати ҳақидаги ғоя ва қарашлари, фикр муносорончилари таҳлили ва тадқиқига бағишланган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье проанализированы идеи Алишера Навои о щедрости, милосердии, описании и пропаганда которой нашли широкое освещение в поэтических и прозаических произведениях поэта.

**RESUME.** The article is devoted to the analysis and study of ideas and views, opinions and comments on the virtue of cabbage, which found its broad definition, image and interpretation in the poetic and prose works of Alisher Navoi.

Таянч сўз ва иборалар: карам, таъриф, тасвир, талқин, фикр, ғоя.

Ключевые слова и выражения: щедрость, описание, определение, толкование, мысль, идея.

Key words and word expressions: generous, definition, image, interpretation, thought, idea.

Зоҳид СОДИҚОВ

## ҒАЙБУЛЛА САЛОМОВ НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ТАБДИЛ ВА ТАРЖИМАЛАРИ ХУСУСИДА

Биз бугунга қадар устоз Ғайбулла ас-Саломни таржимашунос, таърихшинос, комусшунос сифатида билардик. Аммо устоз илмий-ижодий ишларини ўрганар эканмиз, у кишининг навоийшунослик тараққиётига ҳам

<sup>10</sup> Ўша асар, 47–48-бетлар.

<sup>11</sup> Ҳотами Тойи – сахийлик тимсоли, арабларнинг Тойи қабиласидан ва шу қабила ҳукмдори бўлган, сахийлиги билан машҳур. Халқ оғзаки ижодида “Ҳотамнома” номли китоб ҳам яратилган. Китоб профессор Акбар Матғозиев томонидан 1988 йилда нашр қилинган. – Б.Р.



катта ҳисса қўшганликларининг гувоҳи бўлдик. Аввало айтиш керакки, домланинг ҳар бир китобларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига у ёки бу тарзда муносабат билдирилади. Хусусан, "Таржима назариясига кириш"<sup>1</sup> дарслигининг "Ватан адабиёти ва бадиий таржима" ва "Бадиий таржимада эстетик дид" номли фаслларида, шогирди Нажмиддин Комилов билан ҳаммуаллифликда яратган "Дўстлик кўприклари"<sup>2</sup> рисоласининг "Ғазал таржимаси ҳақида баҳс" номли бобида, "Таржима назарияси асослари"<sup>3</sup> китобининг "Алишер Навоий ва Христофор Арманий" деб номланувчи фасли ва ниҳоят устознинг "Таржима ташвишлари"<sup>4</sup> номли монографиясининг "Фарҳод ва Ширин": табдил, таржима талқин" деб номланувчи боби бевосита Алишер Навоий ижодига бағишланади. Жумладан, бу борада айтган мана бу фикрларини келтириш ўринли:

"Бизда навоийхонлик ва навоийшунослик ҳозиргача, хоҳ адабий-эстетик томондан бўлсин, хоҳ тарихий-социологик ёки фалсафий тарафдан бўлсин, асосан, Навоийни асл нусхаси – оригиналида тушунтириб беришдан, таҳлил ва талқиндан иборат бўлиб келди. Навоий маҳорати сирларини очиб бериш, асарларининг турли-туман нашрлари асосида ягона, илмий пухта матнни тайёрлаш, бу нашрларни шарҳ, талқин ва луғат билан таъминлаш, алоҳида олинган ҳар бир достони ва ғазалини атрофлича чуқур қиёсий ўрганиш навоийшунослик фанининг ҳозирги тараққиёт босқичида долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда (83).

Бундан кўриниб турибдики, Ғайбулла Саломов Алишер Навоий ижодига аслият-таржима-талқин асносида ёндашади. Аниқроғи, Навоий ижодига унинг асарлари таржималари ҳамда уларга ёзилган турли шарҳ, луғат ва тадқиқотларни ҳам мужассамлаштирган ҳолда муносабат билдириш назарда тутилади. Бошқача айтганда, Навоийга дунё сахнидан туриб қараш диққат марказга олиб чиқилади. Шу боис, масала моҳиятига киришда унинг ижодига жаҳон олимлари, жумладан, Ғарбий Европа ва рус шарқшуносларидан француз Картремер, Паве де Куртейл, инглиз М. Белен, Э.Браун, рус И.Н.Березин, М.Никитский, Н.И.Ильминский, В.В.Вельяминов-Зернов, В.В.Бартольд ва бошқаларнинг қарашлари мавжудлиги ва улар Навоий сиймосининг узоқ Европада ўрганилишида муайян даражада аҳамият касб этганликлари таъкидланади.

Ғ.Саломовнинг ўзбек навоийшунослигига қўшган муҳим ҳиссаси – Навоий асарларининг хорижий ва қардош халқлар тилларига қилинган қадимий ва замонавий таржималарини узил-кесил аниқлаш, уларни таснифлаш ҳамда илмий тадқиқ этишдан иборат бўлган. Устоз таъбири билан айтганда, бу ишни аввало Навоий асарларини ҳозирги ўзбек тилига бир карра "таржима" (табдил) қилишдан бошламоқ керак. Домланинг эътироф этишича, мазкур соҳада бир қанча таҳсинга лойиқ ишлар ҳам амалга оширилган. Жумладан, "Хамса" туркумидаги "Ҳайрат ул-аброр" (А.Ҳайитметов, 1974), "Фарҳод ва Ширин" (Ғ.Ғулом, 1975), "Лайли ва Мажнун" (А.Умарий ва Ш.Ҳусайнзода, 1976), "Сабъаи сайёр" (Иноят Махсум, 1977) дostonларининг насрий баёни ҳамда дастлабки уриниш сифатида "Навоий асарлари луғати" (П.Шамсиев, С.Иброҳимов, 1972) кабилар хайрли иш сифатида баҳоланади.

<sup>1</sup> Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1978.

<sup>2</sup> Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.

<sup>3</sup> Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1983.

<sup>4</sup> Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. Бундан кейин мазкур асарга мурожаат қилинганда саҳифаси кавс ичида кўрсатилади.



Ғайбулла Саломов юқоридаги нашрларни тадқиқ этишга таржима ва табдил асносида қарайди. *Табдил* деганда "ички таржима", яъни муайян бир тилнинг ўтмишдаги вариантдан унинг ҳозирги замон адабий тилига ўгириш назарда тутилади. Немисларда бу *Innen-Übersetzung* (ички таржима), рус тилида эса *внутриязыковой перевод* (тил ичи таржимаси) номлари билан аталади. Ғ.Саломовнинг таъкидлашича, Навоий асарларини назмдан насрга ўтказиш иши машҳур Хоразм мактаби вакиллари томонидан XVIII–XIX асрлардаёқ бошланган. Жумладан, "Фарҳод ва Ширин" достони Умар Боқий ва кейинчалик Маҳзун деган ном билан танилган шоир томонидан насрлаштирилган. Хусусан, Умар Боқий яратган "Фарҳод ва Ширин"нинг насрий таржимаси 1909 йилда, "Лайли ва Мажнун" 1910 йилда тошбосма усулида чоп этилган (21)

Ғ.Саломов дастлаб эътиборни Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонининг Ғ.Ғуллом талқинидаги насрий баёни таҳлилига қаратади. Мазкур масала, юқорида таъкидланганидек, устознинг "Таржима ташвишлари" номли монографиясининг "Навоий ва Ғафур Ғуллом" фаслида алоҳида ёритилади. У ўзбек адаби ва таржимони Ғ.Ғуллом ижодхонаси орқали Алишер Навоий асарлари таржимаси муаммолари тадқиқига кириб борар экан, бунда замонамиз шоири ҳаёти ва ижодининг турли палласида Навоийга бағишлаб шеърлар битгани, олим сифатида унинг асарларини тўплаши, ўтмиш маданий мероси сифатида ўрганиши ва кенг оммага етказиш учун турли йўллар топиш учун изланишлари, тарғиб ва ташвиқ қилиши каби нуқталарга эътибор беради. Олимнинг мана бу сўзлари Ғ.Ғулломнинг Навоий уммонидан қанчалик сув олиб ичганлигига гувоҳ бўлади: "Фарҳод ва Ширин" достонини мавжуд ишончли манбалар – кўлёмалар асосида насрга тайёрлаш, унинг мазмунини насрда баён этиш Ғ.Ғулломнинг ўзбек навоийшунослиги пойдеворини қурганлардан бири эканлигидан далолат берса, илмий ва бадиий ижодида Навоийнинг қайта-қайта қаламга олинishi унинг етук навоийшунос олим ва комил навоийсевар шоир бўлганлигини кўрсатиб туради" (99).

Ғ.Саломов ўзининг энг зукко шогирдларига Навоий ижодининг таржимадаги талқинлари масаласини ўрганиш мавзусини берганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, бу ўринда ҳам айнан "Фарҳод ва Ширин" диққат марказига олиб чиқилган. Устознинг суюкли шогирдларидан Комилжон Жўраев ва Султонмурод Олимовлар бу борада чинакам монографик тадқиқотлар яратдилар. Бугунги кунда етук навоийшунос ва таржимашунослиги билан танилган С.Олимов ва зукко таржимашунос ва адабий танқидчи З.Исомиддиновлар ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультети талабаси бўлган кезларида Алишер Навоийнинг сеҳрли сўз мулки хазинаси, бадиияти оламига олиб кирган устоз айнан Ғ.Саломов бўлганлигини таъкидлайдилар. Уларнинг мамнуният билан эслашларича, домла "Таржима назарияси ва амалиёти" дарсларида ҳар бир талабадан "Навоий асарлари луғати"ни олиб келишни талаб қилган ва устоз улар билан биргаликда Навоий асарларидан намуналарни, хусусан, "Фарҳод ва Ширин"ни унинг ҳозирги ўзбекча табдили, русча, озарбайжонча, тожикча таржималари билан сатрма-сатр солиштириб чиқишган. "Биз, аста-секинлик билан, турли луғатлар, таржималар ва тадқиқотлар воситасида Навоийнинг гўзал оламини таний бошладик. Унинг сеҳрли, полифоник (кўпмаъноли) бадиий санъатлари моҳиятини англаб бордик. Бир аслиятнинг (Навоийнинг) ўзга тиллардаги ўнлаб таржима вариантларини кўриб чиқиш, ўзаро солиштириш ва энг мақбулини аниқлашдек мураккаб ва айни пайтда мароқли меҳнат билан шуғулландик. Бу биз учун бир



умрлик мактаб бўлиб қолди", – деб хотирлашади шогирдлар. Ғайбулла Саломов таъбири билан айтганда бу ўзига хос "махсус курс" (119) эди. Ҳар икки шогирд ҳам бу йўналишда бир қатор тадқиқотлар яратдилар ва шогирдлар тайёрладилар. Жумладан, С.Олимов илмий раҳбарлигида наманганлик тадқиқотчи А.Абдуллажонов Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" достони немисча таржимаси асосида номзодлик диссертациясини ёқлади.

"Таржима ташвишлари" монографиясида Ғ.Ғуломнинг таржима ва табдил орқали Навоий дунёсида шахдам қадамлар билан кезганлиги таҳлил қилинар экан, таржиманинг адабий алоқа ва адабий таъсирнинг чинакам боғловчи занжири, унинг ривож учун энг муҳим омиллардан бири эканлиги асослаб борилади. Жумладан, Ғ.Ғуломнинг аввало Навоийга ошно қалб эгаси бўлганлиги, қолаверса, ўз замонасининг хориждаги таниқли таржимон ва адиблари билан шахсий алоқалари, дўстлиги йўриғидан маҳоратли рус таржимони Лев Пеньковский ҳамда немис таржимони ва олими Альфред Курелла кабиларни Алишер Навоий ижодига мурожаат қилишларига сабабчи бўлганлигини ҳаётий фактлар воситасида далиллайди (100-бет). Бу борада мана бу фикрларни келтириш ўринли: "У ўқирди, мен эса жон қулоғим билан тинглардим деб ҳикоя қилади немис таржимони Альфред Курелла. – Гарчанд ўзбек тилини тушунмасам ҳам, Навоийнинг овози, оҳанги, мусиқасини Ғафур Ғулом тилидан эшитар, буни дилимга жо қилишга, эсда сақлашга бутун вужудим билан интилардим" (100).

Ғ.Саломов Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонини маҳоратли рус таржимони Л.Пеньковский таржимасидаги талқини масаласига алоҳида эътибор қаратади. Китобнинг "Рус лисонида нағма соз айлаб..." деб номланувчи фаслида бу ҳақда кенг мушоҳада юритилиб, қиёсий таҳлиллар асосида Навоий лирикасининг русча шеърий таржимадаги талқини масалаларига эътибор қаратилади. Маълумки, урушнинг таҳликали йилларида собиқ иттифоқ марказидаги бир қатор адиб ва таржимонлар Ўзбекистонга келганлар. Улар орасида Л.Пеньковский ҳам бор эди. Қизиғи, россиялик бу моҳир таржимоннинг Алишер Навоий ижодига бўлган муҳаббатининг ортишида ҳам айнан Ғ.Ғулом муҳим роль ўйнайди. Бу ҳақда "Таржима ташвишлари"да Миртемир хотираларига таяниб, мана бу ҳайратангиз воқеа келтирилади:

"Лев Пеньковский, негадир, нашриёт билан келишолмай қолгани, қайтиб кетмоқчи бўлгани ўша куниёқ Ғафур акага маълум бўлди. Ёзувчилар уйда Лев Пеньковский учраб қолди. Ғафур ака уни излаб келган бўлса керак, дарров гап қотди:

– Веды ты потомок Навои, – Лев Пеньковский бир зумда ўзга тусда ярқираб кетди, оғзи қулоғида:

– Гафур ака величает меня – потомком Навои. Я останусь!"<sup>5</sup>

Бундай рағбат туфайли ўз касбининг устаси бўлган рус таржимони "Фарҳод ва Ширин"нинг Е.Э.Бертельс амалга оширган рус тилидаги сўзма-сўз тағламаси (подстрочник) ҳамда шарқшунос В.М.Жирмунский ва Ҳ.Олимжонлар ёрдамида ўзбек шеърий тизимини ўрганиб, таржима қилишга киришади. Бундан маълум бўладики, Ғ.Ғулом нафақат Алишер Навоий ижодини бугунги замондошларимизга етказувчи нуктадон адабиётшунос, балки шоир асарларини жаҳоннинг турли тилларига

<sup>5</sup> Миртемир. Тингла, Ҳаёт! – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 158–159-бетлар.



ўгиришга мохир таржимонларни рағбатлантирувчи ташаббускор, тарғиботчи ҳам эди.

Ғ.Саломовнинг навоийшуносликка қўшган муносиб хиссаси тўғрисида фикр юритганда Навоийдек бетакрор сўз санъати соҳиби, сўз мулкининг султони Европа тилларига, жумладан, рус тилига таржима қилишда юзага келадиган мураккабликларни бартараф этишдаги кузатишларига ҳам муносабат билдириш муҳим. Бу, айниқса, Шарку Ғарб шеърий тизимидаги ўзига хосликлар билан боғлиқ масаладир. У Л.Пеньковский талқинидаги Навоий шеъриятининг русча нашрини китобхонларга манзур қила олган кўринмас, нозик нуқталарни топди. У ҳам бўлса, юқорида таъкидланганидек, аслият ва таржима тилидаги шеърий тизимнинг номонандлигини бартараф этиш эди. Русларда ямб, ўзбекларда мумтоз аруз. Ўзбек олимининг аниқлашича, рус мутаржими европача беш туроқли ямбнинг арузга оҳангдошлик нуқталари борлигини сезган. Чунки шеърият таржимасида оҳанг, вазн, ўзига хос жаранглаш биринчи ўринда туради. Натижада рус адабиётида "арузий мақом" пайдо бўлади. Бундан ташқари, Навоийдаги шеърий санъатлар, хусусан, ҳарф санъатининг русча талқинлари борасида ҳам жаҳон навоийшунослигига муносиб ҳисса бўлиб қўшиладиган илмий хулосалар берилади.

Нихоят, Ғ.Саломов ўз шогирдлари билан Алишер Навоий "Фарход ва Ширин" достонининг рус тилидаги 10 та нашрини аслият билан қиёсий-типологик аснода солиштириб чиқади. Ўн хил таржимавий талқин натижасида Навоийнинг рус тили ва адабиётига олиб кирган бебаҳо тасвирий воситалари, бадиий ғоялари, услубий ранг-барангликлари тўғрисида қимматли хулосалар тақдим этилади. Уларнинг ҳар бирини аслиятга монандлиги аниқланади ва айни пайтда бошқаларидан Навоийга энг яқин келган варианты ҳам тайин этилади. Айни пайтда Навоий аслиятининг янада мукаммал нашрини тайёрлаш учун қимматли тавсиялар ҳам тақдим қилинади. Муҳими, мазкур русча таржима асарнинг озарбайжонча, тожикча таржималари билан ҳам ўзаро қиёсланади. Бу, табиийки, Алишер Навоийни жаҳон адабиётидан янада мустаҳкам ўрин олиши учун қўйилган яна бир муҳим қадамдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўзбек таржима мактабининг тамал тошини қўйган Ғайбулла ас-Салом Алишер Навоий ижодини тарғиб ва ташвиқ қилиш, уни бугунги китобхонларга тушунтириш, айниқса Навоий ижодини таржимашунослик асосида тадқиқ қилиш борасида ҳам жиддий тадқиқотлар яратган. Ғ.ас-Салом бу ўринда ҳам ўзининг тадқиқот усулига содиқ қолган. Яъни бир асарнинг бир неча табдиллари, таржималарини аслият билан қиёслаш, таржима ва унинг муҳим бир қисми бўлган табилий санъати борасида мулоҳаза юритганда аслиятнинг келиб чиқиши, унга мутаржимнинг муносабати, қайта яратиш борасидаги тайёргарлик жараёни масалаларига адабий-тарихий ва қиёсий-типологик нуқтаи назардан ёндашади. Натижада муаммо чуқур ва атрофлича ёритилади.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада Ғайбулла Саломовнинг навоийшуносликка қўшган хиссаси таникли таржимашунос олимнинг Алишер Навоий асарларининг табдил ва таржималарига бағишланган тадқиқотлари таҳлили мисолида кўрсатиб берилади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье на примере анализа исследований Гайбуллы Саломова, посвященных интерпретации и переводам произведений Алишера Навои, раскрывается вклад учёного в развитие навоиведения.

**RESUME.** The article shows the contribution of Gaybulla Salomov to Navoi studies on the example of the analysis of the research of a well-known translator on the translations of Alisher Navoi's works.

**Таянч сўз ва иборалар:** тил, таржима, табдил, талқин, мослаштириш, замонавийлаштириш, ички таржима, навоийшунослик



**Ключевые слова и выражения:** язык, перевод, транслитерация, интерпретация, адаптация, модернизация, навоиведение.

**Key words and word expressions:** language, translation, in-language translation, interpretation, modernization, education

Гулбахор САИДҒАНИЕВА

## НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЯНГИ ТАРЖИМАЛАРИ

Маълумки, Алишер Навоий асарларининг рус тилига таржималари кўп асрлик тарихга эга. 1968–1970 йилларда рус тилида шоирнинг 10 жилдлик асарлар тўпламининг чоп этилгани бу борадаги ишларнинг ўзига хос сарҳисоби бўлди<sup>1</sup>. Лекин ўзбек адабиёти асосчиси асарлари таржимаси сира тўхтаб қолган эмас. Жумладан, кейинги даврда шоир, таржимон, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Владимир Васильев таржимасида Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" асари "Жаҳон адабиёти" журналининг 2015 йилдаги сонлари саҳифаларида тўлиқ чоп этилди<sup>2</sup>. Журналнинг кейинги йиллардаги сонларида ҳам рус тилига В.Васильев таржимасида Навоий асарлари бериб борилган. Бу аънанани кўкконлик шоир Ильмер Назаров ҳам давом эттирган.

Кўккон адабий муҳитининг иккинчи қаноти русийзабон адабиёт бўлиб, И.Назаров унинг ёрқин намояндаларидан бири ҳисобланади. Рус тилли адабий муҳитнинг узоқ вақт сақланиб туришида ҳам бу шоирнинг хизматлари катта. У 1933 йил 10 декабрда Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида ҳуқуқшунос оиласида туғилган. Кейинчалик улар Кўккон шаҳрига кўчиб келиб, бўлажак шоир Кўккондаги 1-мактабда таълим олган. 1953 йилда ўз ихтиёри билан Боку денгизчилар билим юртига ўқишга кетиб, уни тугатганидан кейин чет элларга қатновчи кемаларда моторист бўлиб хизмат қилди. Дастлабки шеърлари Бокуда нашр қилинган<sup>3</sup>.

Она Ватанга, ўз шаҳрига ҳамда сўзга бўлган муҳаббат уни ортига қайтарди. 1958 йилда САГУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетига ўқишга кирди. Талабалик даври бадиий маҳоратини ошириш йиллари бўлди. 1963 йили ўқишни тугатиб, бир муддат Кўккон давлат педагогика институтига, кейинроқ Данғара туманидаги 12-мактабда рус тили ва адабиётидан дарс берган. Унинг шеър ва таржималари доимий равишда "Правда Востока", "Ферганская правда", "Литературная газета", "Звезда Востока" каби газета-журналларда, "Молодость – 81", "Молодая смена" альманахлари, "Древо вечности", "Малый шелковый путь" антологияларида нашр этилиб келган. У ўзбек шоирларидан Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Азиз Абдураззоқ, Ҳабибулло Саид Ғани ва бошқаларнинг шеърларини рус тилига таржима қилган.

Илк шеърини тўплами "Голос первой любви" (2000) "Фарғона" нашриётида чоп этилди. Кейин эса қатор шеърини тўпламлари нашрдан чиқди. Жумладан, "Избранная лирика" (2003), "Стихотворные хадисы"

<sup>1</sup> Қаранг: А л и ш е р Н а в о и. Сочинения в 10 томах. – Ташкент: "Фан", 1968-1970.

<sup>2</sup> Қаранг: "Жаҳон адабиёти", 2015, 1–12-сонлар.

<sup>3</sup> Бу ҳақда шаҳар газетаси таҳририяти томонидан ёзилган мақолада унинг илк ижоди "Большевик Каспия" газетасида нашр этилганлиги ёзилади. Вилоят адабиёт музейининг илмий ходими Н.Қаюмовга кўра ҳам бу маълумот тасдиқланади. Қаранг: Слово о друге ("Знамя труда" газетаси, 1993 йил, 26 ноябрь); Қ а ю м о в Н. Шоир ва таржимон \\\ "Кўккон садоси" газетаси, 1993 йил 18 декабрь.